| <i>Makhmudova Khurmat Mukhtorovna</i><br>CONSTITUTIONAL BASIS AND GUARANTEES OF LABOR LAW .....   | 316-330 |
| <i>Nurullayev Shokhrukh Shukhratillaevich</i><br>DIGITALIZATION AND MODERN TRENDS IN ENVIRONMENTAL LEGAL PROTECTION IN THE<br>CONSTRUCTION FIELD .....  | 331-337 |
| <i>Otamirzaev Oybek</i><br>LEGAL ISSUES OF LIMITING THE USE OF PLASTIC WASTE IN UZBEKISTAN AND FOREIGN<br>EXPERIENCE .....  | 338-341 |
| <i>Safarov Jamshid Ismoilovich</i><br>THE SIGNIFICANCE OF EXPRESSING CONSENT TO BE BOUND BY A TREATY IN THE<br>DOCTRINE OF INTERNATIONAL LAW IN THE CONSIDERATION OF THE INVALIDITY OF A<br>TREATY, TERMINATION AND SUSPENSION OF ITS OPERATION .....                                   | 342-349 |
| <i>Sharipov Sanjar Sobirovich, Bozorov Azimjon Akhatovich</i><br>PUBLIC EVENTS FOR THE ORGANIZATION AND HOLDING OF EVENTS TIMELY<br>ORGANIZATIONAL STRUCTURE OF THE COMPANY IMPLEMENTATION OF PUBLIC<br>AWARENESS ACTIVITIES ESSENCE, SIGNIFICANCE AND CHARACTERISTIC<br>FEATURES ..... | 350-357 |
| <i>Normurodova Behruza Kholmuminovna</i><br>DIGITAL OPEN SOURCES AND THEIR USE IN DIGITAL FORENSICS .....   | 358-366 |
| <i>Nematov Azizbek Golibjon o'g'li</i><br>THE NATURE AND IMPORTANCE OF THE TASK OF CRIME PREVENTION IN THE<br>PRELIMINARY INVESTIGATION .....   | 367-373 |
| <i>Dadaboeva Dilfuza Nurmatovna</i><br>THE SIGNIFICANCE OF THE PARTICIPATION OF NON-GOVERNMENT NON-PROFIT<br>ORGANIZATIONS IN BUSINESS ACTIVITY .....   | 374-378 |
| <i>Urazbayev Laziz Shuhrat ogli</i><br>ATTACKS ON CRITICAL DIGITAL INFRASTRUCTURES AND THEIR PREVENTION .....   | 379-383 |
| <b>13.00.00 – PEDAGOGICAL SCIENCES</b>  |         |
| <i>Khudoyberganov Doniyor</i><br>THE NEED TO DEVELOP THE COGNITIVE COMPETENCE OF YOUNGER<br>STUDENTS .....  | 384-388 |
| <i>Hazratov Fazliddin Khikmatovich</i><br>FORMATION OF PROFESSIONAL COMPETENCE OF STUDENTS THROUGH OBJECT-ORIENTED<br>PROGRAMMING LANGUAGES .....   | 389-393 |
| <i>Khojamkulov Rasulbek Kurbon ogli</i><br>THE IMPORTANCE OF DEVELOPING DESIGN COMPETENCES OF FUTURE ENGINEERS USING<br>COMPUTER GRAPHICS .....   | 394-398 |

|   |         |
|---|---------|
| <i>Zakirova Zulkhumor Zairjonovna</i><br>THE ROLE OF TEACHER QUESTIONING IN DEVELOPING CRITICAL THINKING SKILLS AS A WAY TO INDEPENDENT LEARNING .....          | 399-404 |
| <i>Eshnazarov Murad Karimovich</i><br>IMPROVING PROFESSIONAL PREPARATION OF FUTURE TEACHERS BASED ON THE HERMENEUTIC APPROACH .....                             | 405-410 |
| <i>Menglikulov Khairulla Alikulovich</i><br>DIFFERENTIAL APPROACH TO FORMING SWIMMING ABILITIES AND SKILLS IN FEMALE STUDENTS .....                             | 411-415 |
| <i>Komilova Dildora Gulamjanovna</i><br>DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL COMMUNICATIVE COMPETENCE OF ECONOMICS STUDENTS IN ENGLISH LANGUAGE TEACHING .....           | 416-420 |
| <i>Turdimurodov Dilmurod Yuldashevich</i><br>ADAPTIVE REACTIONS OF ATHLETES TO TECHNICAL ACTIONS IN BOXING .....  | 421-426 |
| <i>Abdullayev Dilshod Xamidullo o'g'li</i><br>CONDITIONS AND METHODS OF TEACHING ACTIVITY GAMES TO CHILDREN .....   | 427-432 |
| <i>Akhmedov Akmal</i><br>IMPORTANT CRITERIA FOR PREPARING FUTURE PSYCHOLOGISTS FOR PROFESSIONAL ACTIVITY IN THE PROCESS OF HIGHER EDUCATION .....               | 433-440 |
| <i>Donisheva Gulro'y Axrorqul qizi</i><br>USE OF IT IN THE PROCESS OF LEARNING A FOREIGN LANGUAGE .....   | 441-444 |
| <i>Qurbonboyeva Dilfuza Shukur qizi</i><br>FORMING COMMUNICATION COMPETENCES OF STUDENTS .....  | 445-449 |
| <i>Erkaboev Oybek Mukhammadzhonovich</i><br>THE GROWTH RATE OF INDICATORS OF SPECIFIC COORDINATION ABILITIES OF CHILDREN AGED 6 YEARS .....                     | 450-456 |
| <i>Abatov Jalgasbay Orinbaevich</i><br>TEACHING FINE ART LESSONS IN CONNECTION WITH HISTORY .....   | 457-463 |
| <i>Akramjonova Feruza Akramjonovna</i><br>INFLUENCE OF INNOVATIVE EDUCATIONAL ENVIRONMENT ON THE EDUCATIONAL PROCESS IN PRESCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTION ..... | 464-468 |
| <i>Makhmudova Zulfiya Khomitovna</i><br>ORGANIZATION OF PRESCHOOL EDUCATION AND FAMILY COOPERATION .....  | 469-476 |
| <i>Abduvasieva Mahmuda Xamidullo qizi</i><br>UNIQUE ASPECTS OF THE CHINESE EDUCATION SYSTEM .....   | 477-483 |
| <i>Boboqulov Chori Urolovich</i><br>PEDAGOGICAL PROBLEMS IN THE FORMATION OF MENTAL ABILITIES IN PRIMARY CLASS STUDENTS AND THEIR SOLUTION .....                | 484-489 |
| <i>Esanova Gulchehra</i><br>PRINCIPLES AND METHODS OF PHYSICAL TRAINING OF YOUNG FOOTBALL PLAYERS .....   | 490-497 |

**Received:** 22 April 2024

**Accepted:** 1 May 2024

**Published:** 10 May 2024

*Article / Original Paper*

## **LITERARY CONCEPTUALIZATION OF THE MOTIF "MORALITY" IN THE TALES ABOUT ANIMALS OF THE EAST AND WEST**

**Khasanova Yulduz Mukhtor kizi**

Current PhD candidate of Navai State Pedagogical Institute

**Abstract.** In this article, the literary conceptualization of the motive "morality" in the fairy tales about animals is subject to analysis. Animal tales have great educational value. In fairy tales about animals, a very wide place is assigned to the motive of morality, after all, these fairy tales also glorify Justice, develop a sense of collectivism and arouse the desire to help the weak. The article also concludes that the specificity of animal fairy tales is determined by the ease of reading and understanding them.

**Keywords:** animal, moral motive, action, humanity, upbringing, activity, hero, epithet, song.

## **ШАРҚ ВА ҒАРБ ҲАЙВОНЛАР ҲАҚИДАГИ ЭРТАКЛАРИДА “АХЛОҚ” МОТИВИНИНГ БАДИЙ КОНЦЕПТУАЛЛАШУВИ**

**Хасанова Юлдуз Мухтор қизи**

Навоий давлат педагогика институти докторанти

**Аннотация.** Ушбу мақолада ҳайвонлар ҳақидаги эртақларида “Ахлоқ” мотивининг бадий концептуаллашуви таҳлилга тортилади. Ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг тарбиявий аҳамияти катта. Ҳайвонлар ҳақидаги эртақларда ахлоқ мотивига жуда кенг ўрин ажратилади, зеро, бу эртақлар ҳам адолатни тараннум этади, коллективизм туйғусини ривожлантиради ва заифларга ёрдам бериш истагини уйғотади. Мақолада, шунингдек, Ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг ўзига хослиги уларни ўқишнинг ва тушунишнинг осонлиги билан белгиланади, деб хулоса берилди.

**Калит сўзлар:** ҳайвон, ахлоқ мотиви, ҳаракат, инсоният, тарбия, фаолият, қаҳрамон, эпитет, қўшиқ.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I5Y2024N33>

**Кириш.** Ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар ибратли ва қизиқарли, қадимги даврларда пайдо бўлган ва уларнинг ривожланишининг дастлабки босқичида табиатан сеҳрли эртақларга жуда ўхшаш бўлган. Вақт ўтиши билан улар сеҳрлилик аҳамиятини йўқотиб бордилар ва аллегорик шаклдаги кичик ибратли ҳикояга айлана бошладилар. Ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар одатда кичик ҳажмга эга, уларнинг мазмуни ниҳоятда содда, ўқувчига яқин ва тушунарли. Уларнинг асосида реал ҳақиқат ётади, улардаги фантастика элементи унча катта аҳамиятга эга эмас. Бу нафақат инсон тилида гаплашадиган, балки одамлар каби ҳаракат қиладиган ҳайвонларни инсонлаштиришда ўзини намоён қилади. Ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг бу хусусияти уларни табиий ва содда қабул қилишни ҳам талаб қилади. Қоюда тариқасида, ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар антитеза тамойилига асосланади: яхшилик ёмонликка қарши, ақл аҳмоқликка



қарши ва ҳоказо. Ҳайвонлар ҳақидаги эртақлардаги қаҳрамонлар ўзига хос хусусиятларга эга оддий одамлар ва ҳаммага яхши таниш бўлган ҳайвонлар: *тулки айёр, бўри ёвуз, қуён қўрқоқ, мушук ва хўроз жасур* ва ҳоказо. Эртақ қаҳрамонлари тўғридан-тўғри тасвирланади, характернинг ривожланиши, тасвирлар эволюцияси йўқ. Эртақ қаҳрамонлари турли хил ижобий фазилатлар (ҳалоллик, жасорат, адолат ва бошқалар)га эга бўлган яхшилик ташувчилари.

**Адабиётлар таҳлили.** Ҳайвонлар ва эртақлар ўртасидаги боғлиқлик халқ эртақларининг бир тури бўлмиш ҳайвонлар ҳақидаги эртақларда ўз аксини топган. Халқ эртақларининг илк намуналари қадим замонларга бориб тақалади, халқ оғзаки ижодида эртақ жанрини ўрганиш бўйича Д.В.Бережкова, Г.В.Токарев, Э.П.Чакалова, В.А.Головко, Г.З.Имаева, И.В.Павлютенкова, М.Сименсон, М.Меснил, О.С.Қаюмов, А.Мусақулов, Д.Рахимбоева, Б.Каримов, М.Афзалов, Ғ.Жаҳонгиров, Ғ.Жалолов, К.Имомов, Х.Эгамов, М.Жўраев, Ж.Юсупов, Т.Раҳмонов, Қ.Бекназаров, С.Жумаева, З.Усмонова, Н.Дўстхўжаева, М.Содиқова, Н.Қодиров, З.Расулова, Ж.С.Эшонқуловлар томонидан ҳимоя қилинган диссертациялар илмий манба сифатида муҳим аҳамият касб этади.

**Тадқиқот методологияси.** Дунё халқларининг эртақларини маиший (улар кундалик ҳаёт воқеаларига асосланган, мўжизалар ва фантастик тасвирлар йўқ, ҳақиқий қаҳрамонлар ҳаракат қилади), сеҳрли (тингловчи олдида сирли дунё пайдо бўлади, ғайриоддий фантастик қаҳрамонлар у ерда ҳаракат қилишади. Баъзи эртақлар мифологик тасвирлар билан чамбарчас боғлиқ) ва ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар (улардаги ҳайвонот дунёси инсоннинг аллегорик тасвири сифатида қабул қилинади. Ҳайвонлар кундалик ҳаётда инсоний иллатларнинг ҳақиқий ташувчиларини ифодалайди)га бўлиб таснифлаш қабул қилинган.

**Таҳлиллар ва натижалар.** Ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар ўзининг асосий персонажлари – одамларнинг хусусиятларига эга бўлган ҳайвонлар билан ажралиб туради. Санъатнинг мифологиядан ажралиш босқичида ҳайвонлар, қушлар ва ҳашаротларни инсонлаштириш адабий воситага айланди ва аксарият ҳолларда одамлар ва уларнинг муносабатлари ифода объектига айланди. В.Я. Пропп шунингдек, ҳайвонлар ҳақидаги эртақларни “одамлар ва ҳайвонлар тенг ҳуқуқлар асосида ҳаракат қиладиган эртақлар” деб атайди, шу билан бирга бунинг шартлилигини таъкидлайди [4]. Ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар, одатда, сатирик ёки кулгили асар бўлиб, тарбияловчи хусусиятга эга. Эртақ қаҳрамони – фирибгар, айёр, ёлғончи (тулки, қуён, қарға, ўргимчак ва бошқалар.). Ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг ўзига хос поэтикаси ва услуби бор (масалан, ҳайвонларнинг кутилмаган учрашувларининг композицион техникаси, қўшиқлар ишлатилиши). Тўқиб чиқарилган уйдирмаларнинг шартлилиги бадий умумлаштиришнинг кенглигига тўғри келади. Шунинг учун кўплаб эртақларнинг маъноси ва образлари осонгина мақол ва маталларда умумлашади: - *Arslonning bo'kirgani — sichqonning o'lgani; a busy bee; cat-and-mouse.*

Ҳайвонлар ҳақидаги халқ эртақларидаги персонажлар тизими, одатда, ёввойи ва уй ҳайвонлари образлари билан ифодаланади. Ёввойи ҳайвонларнинг образлари уй ҳайвонларининг образларидан кўра кенгроқ истеъмолда: тулки, бўри, айиқ, қуён ва қушлар – турна, бургут, чумчуқ, қарға ва бошқалар. Уй ҳайвонлари нисбатан кам учрайди ва улар мустақил ёки етакчи образлар сифатида кўринмайди, фақат ўрмон ҳайвонлари билан биргаликда қўлланилади: ит, мушук, эчки, қўчқор, от, буқа, уй

кушларидан – ғоз, ўрдак ва хўроз. Вақт ўтиши билан ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар асосан болалар эртақларига айланади. Уларда бадиий адабиётни ёшга боғлиқ ҳолда идрок этишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади: ижобий ва салбий образлар аниқ ажратилади, ёрқин ва қувноқ сюжет кўринишлари ғамгин ва тундга, ва аксинча яхшиликнинг ёвузлик устидан мажбурий ғалабасига кескин ўзгаради. Ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар маълум бир тарзда тайёрланган кўпроқ ёки озроқ кутилган ёки кутилмаган яқунни ифодаловчи ривоят асосидаги элементар ҳаракатларга асосланади. Бу оддий ҳаракатлар психологик ҳодисаларни ифодалайди. Мисол учун, кўплаб эртақлар маккор маслаҳатларга асосланган (тулки бўрига тўйиб узум ейишни маслаҳат беради), кутилмаган қўрқув оҳангига (хўроз таҳдидли қўшиқ куйлаш орқали тулкини қувиб чиқаради). Ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг сюжетлари кўпинча чегарага эга эмас, бир-биридан аниқ ажралиб турмайди, балки бир эртақдан бошқасига ўтади.

Ҳайвонлар ҳақидаги халқ эртақларининг асосий хусусияти бир хил бўлган ҳаракатларнинг кўп маротаба такрорланиб, давом этишидан иборат. Бунга мисол қилиб “Сусамбил” эртагини, рус халқ эртақларидан “Шолғом” ёки “Бўғирсоқ” ни келтириб ўтиш мумкин:

- *Ассалому алайкум, эшаквой! — дебди. Эшак:*
- *Ваалайкум ассалом, хўрозвой, — дебди. Хўроз:*
- *Сизга йўл бўлсин? — деб эшакдан сўрабди. Эшак:*
- *Сусамбилга, — дебди.*

Мана шу диалогнинг ўзи “Сусамбил” эртагида беш маротаба такрорланади, албатта, маълум бир “*дебди. Эшак - дебди. Хўроз - дебди. Хўкиз ... ; битта эдим, сен билан иккита бўламиз, Иккита эдик, учта бўлдик, Учта эдик, бешта бўлдик ...*” каби ўзгаришлар билан. Аниқ композицион тузилишга эга бўлган бундай кумулятив эртақлар ўз услуби билан бошқа эртақлардан фарқ қилади. Такрорнинг қўлланилиши бу эртақларнинг ўзига хослигини таъминлайди, қолаверса, бундай эртақларнинг махсус қофияга эга эканлиги, бу турдаги эртақларнинг тез эсда қолишини таъминлайди, шу хусусиятларига кўра, ҳайвонлар ҳақидаги эртақларни болалар жанри деб аташ мумкин.

Ханти халқининг ҳайвонлар ҳақидаги эртақларида *тулки, бўри, айиқ, қуён, сичқон, бурундиқ* ва бошқа шу каби ёввойи табиат персонажлари кўпроқ иштирок этади. Шунинг учун бу эртақларда алдов мотиви кенгроқ ифодаланган. Мисол учун, “Бурундиқнинг бели қандай қилиб йўл-йўл чизиқли бўлиб қолди?” номли эртақнинг ахлоқ мотиви шундан иборатки, бурундиқ айиқни алдаш учун қуёш тескари тарафдан чиқди, деб айтади, аммо бунга айиқнинг ишончи комил эмас эди, қуёш бошқа томондан кўтарилади, деб айиқ ҳам ўз фикрини уқтирмақчи бўлади. Улар ўртасида тортишув келиб чиқади, бу эса айиқни ғазаблангирди. Ҳар бири ўзининг ҳақ эканлигини даъво қилади. Кучли томон – бу ёввойи ҳайвонлардир ва улар ғалаба қозонишлари керакдек туюлади, аммо ахлоқ мотиви кучсиз ҳайвонларга йиртқич рақибларни енгишга имкон беради. Бу эртақдаги ахлоқ мотивига яна бошқа бир эртақдаги ахлоқ мотиви қарама-қарши туради. Биламизки, тулки бошқа ҳайвонлар орасида ўзининг айёрлиги билан машҳур образдир, чунки унинг сиймосида ва ҳатти-ҳаракатларида виждонсиз одам акс этади. “Елимбалиқ ва тулки” номли эртақда тулки ўзининг энг айёр эканлиги билан мақтанади, елимбалиқ унга қирғоқ бўйлаб ким тезроқ етиб бориши бўйича мусобақа уюштиришни таклиф этади. Елимбалиқ бошқа балиқлардан ёрдам сўрайди ва барча

балиқлар бирлашиб, тулкини енгадилар. Тулки ўрмонга қочиб кетади ва кейин ҳеч қачон елимбалиқ билан баҳслашмайди [3; 128-б.]. Бирдамлик, ҳамжиҳатлик каби ахлоқ мотивлари устунлик қилади ва кучсиз ҳисобланган томон айёр томон устидан ғалба қозонади.

Юқорида таъкидланганидек, ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар асрлар давомида ва аста-секинлик билан, турли даврлардаги реал одамларнинг характерлари асосида яратилиб келинган. Бу эртақларда халқнинг миллий менталитети, миллий дунёқараши, дунёни қандай қабул қилиши акс этади. Биламизки, мотив бу у ёки бу ҳатти-ҳаракатни содир этишга ундовчи куч, ҳайвонлар ҳақидаги эртақларда бу ҳайвонларнинг ўзаро мулоқот қилиши орқали ифода этилади. Ҳайвонларда мулоқотнинг мақсади бошқа тирик мавжудотларни муайян ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, ёки, қандайдир бир ҳаракатлардан тийилиши кераклиги ҳақида огоҳлантириш бўлиши мумкин. Агар ҳайвонлардаги мулоқот мақсади, одатда уларга тегишли бўлган биологик эҳтиёжларни қондириш доирасидан ташқарига чиқмасда, одамлардаги мақсадлар сони ортиб боради, улар ижтимоий, маданий, ижодий, эстетик, интеллектуал ўсиш эҳтиёжлари, ахлоқий ривожланиш ва бошқа турли хил эҳтиёжларни қондириш воситасини ифодалайди.

Ҳайвонлар ҳақидаги халқ эртақларининг энг машҳур салбий қаҳрамон образлари: тулки, бўри ва айиқ. Кўп сюжетларнинг асоси тулкининг ҳийла-найранглари асосида яратилган. Кўпинча тулки шафқатсизларча бўрини алдайди, бўри одатда аҳмоқлиги ва очкўзлиги билан қораланади. Бўри образида инсоннинг ҳақиқий хусусиятлари эмас, балки халқнинг унга бўлган муносабати ифодаланади, яъни бўрининг ҳатти-ҳаракатларида ахлоқ мотиви доминантлик қилмайди. Унда ҳукмронлик хусусияти мужассамлаштирилади; у ҳамманинг устидан ҳокимлик қилишни хоҳлайди. Айиқ ва деҳқон ҳақидаги рус халқ эртаги бундан далолат беради, эртақда айиқ ва деҳқон ҳосилни қандай бўлишгани ҳақида ҳикоя қилинади. Айиқ – бу кучли ва қудратли мавжудот аҳмоқлигининг тимсоли. Ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг бошқа қаҳрамонларига *от, ит, хўроз, сичқон, фил, маймун, шер, йўлбарс, мушук, қарға, тўти, эшак* ва кўплаб бошқа ҳайвонлар мисол бўла олади. Ҳар бир ҳайвоннинг ўз характери ва эртақда тутган ўрни бўлиб, ўзларининг ҳатти-ҳаракатлари билан ахлоқ мотивини воқелантиришга ҳисса қўшадилар. Ҳайвонлар ва қушлар ҳақидаги эртақлар узоқ вақтдан бери ҳар бир халқнинг ўзига хос ижтимоий, маиший энциклопедияси бўлиб хизмат қилган. Улар одамлардаги ёлғончилик, айёрлик, жоҳиллик, аҳмоқлик, дангасалик, ўғирлик, бахиллик ва шунга ўхшаш бошқа салбий фазилатларни очиб беришда ёрдам берадилар. Инсоний иллатлар қораланади, уят ва кулги остига олинади. Ҳайвонлар ҳақидаги эртақларда истехзо доминантлик қилиши кўп тадқиқотчилар томонидан таъкидланган [2; 22-б.].

Ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар ижтимоий-синфий курашнинг нотинчликларини акс эттирган. Эртақ аллегориялари кўпқиррали бўлиб, улар фақат аллегория пайдо бўлган муайян ҳаётий асосни аниқ англаш чегараларида талқин қилиниши мумкин. Тулкининг очкўзлиги, бўрининг шафқатсизлиги ва айиқнинг аҳмоқлиги умуминсониятга тааллуқли иллатлар эмас. Эртақларни таҳлил қилиш натижасига кўра, бу хусусиятлар кўпинча одамларнинг айрим ижтимоий гуруҳларига хос эканлиги аниқланди. Яъни ушбу мотивлар фақат бир хил мақсад остида ҳатти-ҳаракат қиладиган

одамлар гуруҳларига тегишли. Ҳайвонлар ҳақидаги эртақ номларининг шартлилигини ҳам таъкидлаш керак. Фольклор ривожланишининг кейинги босқичларида бу ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар эмас, улар одамлар ҳақидаги эртақлардир. "Ҳар бир эртақда ҳақиқат элементлари бор", деб ёзган эди рус ёзувчиси М.Горький, "агар сиз болаларга хўроз ва мушук инсон тилида гапирмайдиган эртақни тухфа қилсангиз, улар бу эртақларга қизиқмаган бўлур эдилар " [5; 13-б.]. Эртақдаги ёлғонинг сатира билан уйғунлиги ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг асосий хусусиятидир.

Ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар қаҳрамонларининг образларисиз ҳеч қандай эртақ яратилмайди, ундаги ижобий ва салбий образлар ўртасида аниқ фарқлар мавжуд. Ҳозирги вақтда одамлар ижтимоий адолат, виждон ва интизом орқали белгиланадиган инсоний муносабатларнинг юқори маданиятига эга ҳуқуқий жамиятни барпо этишга интилоқда. Бундай жамият ўзининг ҳар бир аъзосидан ахлоқий тарбияга эга бўлишни талаб қилади. Жамиятдаги ахлоқ жамоатчилиги фикрининг кучи, шахснинг ахлоқий ва ахлоқсиз хатти-ҳаракатлари эса жамоатчилиги томонидан баҳолаш ифодаси билан қўллаб-қувватланади. Инсоннинг ахлоқий ривожланишида унинг амалга оширадиган ҳаракатлари ва ишлари, жамиятда ўрнатилган ахлоқий талабларга риоя қилишга бўлган муносабати катта аҳамиятга эга. Шахснинг ўзи ахлоқли бўлишга интилиши керак, шунда у ўзининг ички мотиви ва ахлоқ нормаларининг зарурлигини чуқур англаши туфайли ахлоқий меъёрлар ва қоидаларга риоя қилади.

Бу мисол ўқувчини эртақ қаҳрамонлари сиймосида инсон табиатининг оқиллигини кўришга ундайди. Қадим замонлардан бери эртақ сўйловчининг шахсий тажрибаси эртақка ўтиб келган. Ва бу тажрибанинг тўпланиши натижасида эртақ қаҳрамонларининг маълум бир кўриниши ривожланди. Аммо эртақ нафақат доимий белгилар тўплами билан, балки эртақнинг бир-бири билан боғланиб кетган, мураккаб ва ғайриоддий образлари ва тушунчалари билан ҳам қизиқарлидир. Эртақ – бу фикрлашнинг архаик шакли бўлиб, унинг асосий сюжетлари, образлари ва мотивлари қадим замонлардан бери бизгача етиб келган. Эртақдаги воқеалар инсон ҳаётининг турли соҳаларига, хоҳ кундалик ҳаётга, хоҳ миллий маросимларга, хоҳ эътиқодга ёки ҳокимиятга муносабат, жамият ёки турли масалаларга ёндашувнинг ўзига хослигига таъсир қилувчи маданиятнинг муҳим қатлами эканлиги аниқланди. Сюжет воқеаларининг хилма-хиллиги ҳаётдаги турли вазиятларни акс эттиради. Эртақ қаҳрамонлари билан таққослаш орқали ўқувчи ўз хатти-ҳаракатларини тўғрилайди, ўз ўзига савол беради, шу тариқа, ахлоқ мотивини шакллантиради.

Шундай қилиб, ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар ўзларининг асосий образлари – одамларнинг хусусиятлари акс эттирилган ҳайвонлар билан ажралиб туради. Санъатни мифологиядан ажратиш босқичида ҳайвонлар, қушлар ва ҳашаротларни инсонлаштириш адабий воситага айланди, одамлар ва уларнинг муносабатлари аксарият ҳолларда тасвир объектига айланди.

Ҳайвонлар ҳақидаги халқ эртақларидаги персонажлар тизими, одатда, ёввойи ва уй ҳайвонлари образлари орқали ифодаланади. Тулки, бўри, айиқ, қуён ва бошқа шу каби ёввойи ҳайвонларнинг образлари сигир, қўй, чумчуқ, қарға ва бошқа уй ҳайвонларининг образларидан устунлик қилади, яъни, уй ҳайвонлари жуда кам учрайди ва улар мустақил ёки етакчи белгилар сифатида кўринмайди, улар фақат ўрмон

хайвонлари билан биргаликда учрайди, фақат уй ҳайвонлари иштирок этган эртақлар деярли йўқ.

Инсоннинг адабиёт олами, инсоний муносабатлар дунёси ва бутун атрофдаги дунё билан танишиши эртақдан бошланади. Қаҳрамонлар образларида яққол ифодаланган ахлоқий тушунчалар ҳақиқий ҳаётда ва яқинлар билан муносабатларда мустаҳкамланиб, ахлоқий соғлом шахсни шакллантиришнинг ажралмас воситаси сифатида инсоннинг истаклари ва ҳаракатларини тартибга солувчи ахлоқий мотивдан ахлоқий меъёрларга айлана боради. Атрофдаги дунё, ахлоқий меъёрлар, ҳаёт қонунлари билан таништиришда ва ушбу қонунларга мувофиқ яшашга ўргатишда эртақ жанрининг аҳамияти беқиёс. Бадий образлар ва махсус эртақ тили туфайли инсонда гўзаллик туйғуси ҳам ривожланади.

Шарқ ва ғарб ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар инсонни халқ анъаналари руҳида тарбиялайди, унга халқнинг ҳаётий-ахлоқий қарашлари асосида билим беради. Инсоннинг ахлоқий дунёсини тарбиялаш ва шакллантиришда халқ эртақларининг ўрни бебаҳодир, зеро улар худди одамлар ҳаёти каби маълум бир ритмга асосан қурилган, нафақат сюжет, балки эртақларнинг ўзига хос сўзлашув усуллари ҳам эҳтиёткорлик билан сақлаб қолинган ва авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Эртақлар ахлоқ тамойилларини инсон ҳаётига татбиқ этишга имкон яратади. Меҳрибонлик, севги ва итоаткорлик мавзулари эртақларнинг ахлоқий мазмунини ташкил қилади. Кўпгина эртақлар азалдан инсонпарварлик қадриятларини ўзлаштириш учун қўлланилган.

**Хулосалар.** Халқ эртақлари, ғарб ёки шарқ халқларига тегишли бўлишидан қатъий назар, болаларни ғайриоддий воқеалар доираси, уларнинг қаҳрамонлари билан содир бўладиган ўзгаришлар билан таништириш орқали чуқур ахлоқий ғояларни ифодалайди. Улар одамларга меҳрибонликни ўргатади, юксак ҳис-туйғулар ва интилишларни намоён этади. К.И.Чуковский эртақ ҳикоя қилувчининг ва биринчи навбатда халқнинг мақсади "болада инсониятни тарбиялаш – бу одамнинг бошқа одамларнинг бахтсизликлари ҳақида қайғуриш, бошқаларнинг қувончидан қувониш, бировнинг тақдирини ўзиникидек ҳис қилиш қобилятидир" деб ёзганда ниҳоятда ҳақ эди. [6; 127-б.].

Ҳаракатнинг ривожланишига ахлоқ мотиви доимо уйғун бўлади: адолатсизлик азоб-уқубатлар ва бахтсизликлар манбаига айланади, муваффақиятли яқунлар ҳар доим адолат нормаларига қарама-қаршилиқларни бартараф этади. Эртақ ўқувчини ҳайвонларнинг қилмишлари ва ҳатти-ҳаракатларини нима яхши ва нима ёмон деган тўғри тушунчалар асосида баҳолашга ўргатади.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Daniyeva M.Dj. Teacher's Speech Culture. Karshi: Nasaf, 2020. – 80 p.
2. Аникин В.П и др. Детская литература. - М.: Просвещение, 2001. - 399 с.
3. Енов В.Е. Обские сказы: мифологические сказки по мотивам хантыйского народного фольклора. – Екатеринбург: Уральский рабочий, 2015 – 128 с.
4. Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. Ленинград, 1946.-279 с.
5. Русский фольклор / Под ред. Л.В. Полякова. - М.: Просвещение, 2000. - 139с.
6. Чуковский К.И.От двух до пяти. – М.: Просвещение. 1956. – 382с.
7. <https://ok.ru>
8. <https://uz.wikipedia.org>

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 5 (4) – 2024*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).